

## Банижон жамоаси

07:49 / 16.10.2018 3467

**Ассалому алайкум! Ҳурматли устозлар, нотўғри савол бераётган бўлсам, узримни қабул қилишингизни сўрайман. Мен ижтимоий тармоқда устоз Қосимжон домланинг дарсини тингладим. У киши одамнинг яратилиши тўғрисида маъруза қилаётиб, одамдан олдин Аллоҳ таоло синаб кўриш мақсадида Банижон жамоасини яратган, дедилар. Улар ер юзида бузғунчилик ишларни қилганлари сабаб, батамом ер юзидан йўқ қилинган экан. Банижон жамосининг яратилганлиги Ар-Роҳман сурасида келтирилган экан. Кейин Одам алайҳиссалом яратилибди. Шу тўғрими?**

### **ЖАВОБ:**

- Ва алайкум ассалом! Бани фарзанд дегани, жон арабча сўз бўлиб жин деган маънони билдиради. Яъни, жин фарзандлари. Валлоҳу аълам!

*"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати*